# ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ ВА ИШИНИНГ ТАРИХИЙ ҲАҚҚОНИЙЛИГИ

(Боши 1- ва 2-бетларда).

Лениннинг империализм тарихий тақдири ҳақидаги башорати ҳам аниқ, бехато бўлиб чиқди. Ғолибона социалистик ва миллий озодлик революциялари, империализмнинг ҳукмронлик зонасини неча карра торайтириб қўйди. Монополистик капитализмнинг ҳозирги ҳолати — қисқа қилиб айтганда, умумий кризиснинг чуқурлашувидир. Ҳамма жойда меҳнаткашларнинг социал ғалабалари поймол қилинмоқда, миллион-миллион ва ўн миллионлаб кишилар кўчага улоқтириб ташланмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари шафқатсиз эксплуатация қилинмоқда.

Ленин огоҳлантириб айтганидек, империализм рақобатчиларни талаш, тараққиёт ва демократия кучларини бўғиш йўли билан кризисдан қутилишга интилмоқда. Халқаро майдонда агрессив доиралар, аввало, АҚШдаги мана шу доиралар барча жабҳалар бўйлаб вазиятни кескинлаштиришга олиб борадиган ҳаракатларни қилмоқдалар. Инсониятни жар ёқасига судрайдиган қуролланиш пойгаси бемаънилар-ча шум ният билан авж олдирилмоқда. Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу районида иғвогарлик қилиниб, қуролли тўқнашувлар чиқарилмоқда. Давлат терроризми усуллари расмий сиёсат даражасига кўтарилган. Империалистлар социал ўч олиш пайига тушганлар, уларга гўё яна бир ядро ракетаси ўрнатилса, космосда яна бир ҳарбий платформа вужудга келтирилса, яна бир қароқчиларча ҳаракат қилинса, бас, шу йўл билан тарих ғилдирагини тескари буриб юборадигандек туюлмоқда.

Улар бундай қила олмайдилар. Аввало, шунинг учун қила олмайдиларки, ер юзида Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бор, уларнинг коллектив қудрати бор, уларнинг келишиб олинган ташқи сиёсий йўли — ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўли бор!

Эндиликда ер юзининг ҳамма бурчакларидаги жуда хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ҳам уруш хавфига қарши курашмоқдалар. Қўшилмаган ҳамда бетараф давлатларнинг халқлари ва раҳбарлари шулар жумласига киради. АҚШнинг ўзидаги, шунингдек унинг ҳарбий блоклар юзасидан иттифоқчилари бўлган мамлакатлардаги, ҳам Европадаги, ҳам Тинч океан ҳавзасидаги сиёсат арбоблари, парламент аъзолари, ҳукмрон доираларнинг реалистик фикрловчи намояндалари шулар жумласига киради. Урушга қарши, ракетага қарши ва ядро қуролига қарши оммавий ҳаракат шулар жумласига киради.

Бу ҳаракат барча қитъаларда кучайиб бормоқда. Империализмнинг агрессия сиёсати илгари ҳеч қачон бу қадар ғазаб билан қуролланмаган эди, тинчлик учун курашчиларнинг сафлари ҳеч қачон бу қадар кўп сонли бўлмаган эди. Империалистик урушга қарши энг улуғ ва энг эҳтиросли курашчи — Лениннинг «бундай урушга қарши курашга бутун умрингни бағишласанг ҳам арзийди...» деган даъвати амалга ошиб бораётганлигини яққол кўриб турибмиз. Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликнинг тинчлик ташаббуслари ва таклифлари замонамизнинг шу энг катта демократик ҳаракати талаблари билан, кенг халқ оммасининг орзу-умидлари билан ғоят ҳамоҳангдир.

Бизнинг халқаро майдондаги ҳамма ишларимиз — тинчлик ва тараққиёт сиёсатининг самарали қуролидир. Шу билан бирга совет кишилари Лениннинг тинчликка интилганда ҳушёрликни бўшаштирмаслик ҳақидаги васиятини ёдда тутадилар, чунки, деган эди у, империалист давлатлар биронта уриниш «тор-мор келтирилмасдан қолмаслигини» билсалар, бизнинг хавфсизлигимизга тажовуз қилишга журъат эта олмайдилар.

Совет Иттифоқи ўз ғалабаларини ҳимоя этишга, империализмнинг урушқоқлик режаларини барбод этишга қодирдир. КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида айтилганидек, биз бундан буён ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини, шонли Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини юксак даражада сақлайверамиз! СССР ўзидан ҳарбий устунликка йўл қўймайди ва ўзи бундай устунликка интилмайди.

Ҳозир, гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида совет халқи инсоннинг тинчлик ва озодлик шароитида яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш нақадар муҳимлигини, айниқса, чуқур ҳис этмоқда. Шу Ғалаба йўлида қанчадан қанча азоб-уқубатлар ва маҳрумликларга дучор бўлинди, қанчадан қанча кишиларнинг ёстиғи қуриди. Ҳалок бўлган кишилар хотираси қалбимизни ҳамон изтиробга солмоқда ва: бу нарса энди такрорланмаслиги керак! — деб қатъият билан талаб қилмоқда. Совет кишилари ўнлаб халқлар ва давлатларнинг фашизмга қарши курашдаги жанговар ҳамкорлигини ҳам ёдда тутадилар, бу ҳамкорлик урушдан кейинги тинчлик негизларига асос солиш имконини берганлигини, бу асос қирқ йиллик оғир синовларга бардош берганини биладилар ва ундан сабоқ чиқариб оладилар. Биринчи сабоқ шундан иборатки, уруш бошланмасидан аввал унга қарши курашмоқ керак. Иккинчи сабоқ шуки, ҳозир умумий даҳшатли душманни — жаҳоншумул ядро фалокати хавфини енгиш учун барча халқлар ва давлатлар биргаликда ҳаракат қилишлари зарур.

**Муносиб равишда баҳамжиҳат куч сарфланган** тақдирда халқаро вазиятда яхшилик сари бурилишга эришиш, **ҳам сиёсий, ҳам** иқтисодий соҳаларда тинч ўзаро **манфаатли ҳамкорликни** йўлга **қўйиш жараёнини** қайтадан тиклаш **мумкинлигига** аминмиз. Мамлакатимиз капиталистик давлатлар билан муносабатда айни шу фикрга асосланиб иш тутмоқда. СССР қурол-яроғларнинг тобора янги-янги системаларини хоҳ ерда, хоҳ космосда яратишни эмас, балки қуролланиш пойгаси тўхтатилишини, шу пайтгача ғамлаб қўйилган қурол-яроғлар ҳақиқатан ҳам қисқартирилишини хоҳлайди. Совет давлати космик фазони ҳарбийлаштиришга йўл қўймасликка, ядро қуролларини кўпайтирмасликка, ракеталарни жойлаштиришни тўхтатишга жуда катта аҳамият бермоқда. Бизнинг ядро қуролини, у билан бирга эса ядро уруши хавфини ҳам батамом тугатишдан иборат пировард мақсадимиз ҳам ўзгармасдир.

СССР билан АҚШ ўртасида Женевада ўтказилаётган музокараларга бизнинг ёндашувимиз айни шу мақсад билан белгиланади. Силжишга эришиш учун, аввало, иккала томон музокараларнинг мавзуи ва мақсадлари тўғрисида эришилган аҳдноманинг ҳамма қисмларига оғишмай риоя этиши зарур. Музокараларни бир ниқобга айлантириб, унинг панасида қуролланиш пойгасини бундан буён ҳам жадаллаштираверишга йўл қўйиб бўлмайди. Тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига қатъий риоя этилиб, оқилона муросага келишишга тайёр бўлиб туриш лозим. Совет томони шундай қилишга тайёр. Бу тайёрлик, жумладан, Совет Иттифоқининг Европада ўртача олисликка учириладиган ракеталарни жойлаштиришни, бошқа жавоб чораларини ўз ташаббуси билан тўхтатиб қўйиши сингари катта тадбирида ўз ифодасини топди. СССР музокараларнинг боришини енгиллаштиришга, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга интилиб, космос учун қурол яратиш ҳамда ердаги ядро қуролларини кўпайтириш соҳасидаги ҳар қандай ишларни тўхтатиб қўйишни, шундан кейин дарҳол айни пайтгача ғамлаб қўйилган қурол запасларини қисқартириш тўғрисида битимлар ишлаб чиқишга ўтишни таклиф қилди. Бизнинг давлатимиз Хиросимага атом бомбаси ташланган куннинг 40 йиллиги — 1985 йил 6 августдан бошлаб ядро қуролларининг ҳамма синовларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди, ядро қуроли синовларини тўла-тўкис тақиқлаш тўғрисидаги музокараларни ҳеч кечиктирмай қайтадан бошлашга тайёр эканини изҳор этади. Қўшма Штатларнинг ишларига қараб биз унинг ниятлари нима эканлиги ҳақида фикр юритамиз.

«Совет — Америка муносабатларини яхшилаш учун, умумий халқаро вазиятни соғломлаштириш учун имкониятлар бор, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев. — Бу имкониятларни қўлдан чиқариш ярамайди. Уларни конкрет сиёсат, амалий қарорлар тарзида рўёбга чиқариш лозим».

Бизнинг мамлакатимиз барча давлатлар билан сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, кескинликни юмшатишни қайтадан бошлаш тарафдори эканлиги, шубҳасиз.

Биз илгари шундай йўлни ўтказиб келдик ва келгусида ҳам муттасил ўтказаверамиз. КПССнинг, Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсатини халқимиз тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсат бутун дунёда зўр обрў-эътибор қозонган!

* * *

Азиз ўртоқлар! Социалистик Ватанимиз Лениннинг революцион байроғи остида катта йўлни босиб ўтди. Биз ўзимизнинг бунёдкорлик, ижодкорлик меҳнатимиз натижалари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу натижаларни биз ўзимизни ленинчилар деб аташ ҳуқуқимизнинг энг асосий, энг ишончли тасдиғи деб биламиз.

«Олға босмоқ керак, — деган эди Владимир Ильич. — Ғайрат-шижоат, ирода бирлиги билан юқори кўтарилмоқ керак». Коммунистлар, барча совет кишилари жамиятимиз ҳаётидаги жуда муҳим воқеа, КПСС XXVII съездига актив тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда бу интилиш, айниқса, сезилиб турибди. Ленин илми билан қуролланган, Ленин партияси раҳбарлигидаги совет халқи комил ишонч билан олға бормоқда, ўз мамлакатини янги, тобора юксак марраларга кўтармоқда, коммунизмнинг келгусидаги ғалабасини яқинлаштирмоқда, Ленин шу ғалабани кўзлаб яшаган ва курашган эди.

Яшасин меҳнаткаш инсониятнинг улуғ байроғи — ленинизм!

Яшасин янги дунё бунёдкорларининг ленинчи авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Қаҳрамон халқ, бунёдкор халқ — совет халқига шоншарафлар!

* * *

**(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).**

# ҒАЛАБА БАЙРАМИГА — МЕҲНАТ БАЙРАМИ

(Боши биринчи бетда).

суронлари тингандан сўнг, урушдан кейин туғилганлар қалбидан ҳам шу хотиралар ўчгани йўқ. Ўтган уруш улар учун абадий жудоликнинг алами, солдатларга қўйилган ёдгорликлар сафи, уларнинг болалиги ўтган ва урушдан жароҳатланган ерлардир.

Ленин Коммунистик партияси тарбиялаган совет кишиларининг маънавий улуғворлиги жангчилар ва мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг оммавий қаҳрамонлигида, уларнинг мардлиги ва матонатида ўз ифодасини топди, бу қаҳрамонона ишлар ҳамиша совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализмнинг битмас-туганмас манбаи, ҳар бир янги авлод учун ёрқин намуна бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мана, Советлар мамлакатида қирқинчи тинч баҳор дадил одимламоқда. Тинчлик эса — меҳнат демакдир. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, бутун инсониятнинг ёрқин келажаги йўлида зўр бериб қилинган бунёдкорлик меҳнатидир. Бу йилги баҳорнинг ўзига хос хусусиятлари бор. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми қарорлари меҳнат ва сиёсий активликни ошириб юборди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари шу йил ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бир маромда ишлаш зарурлигини, технология, план ва меҳнат интизомига қатъий риоя этиш, халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида йўл қўйилган қолоқликни енгиб ўтиш зарурлигини чуқур англамоқдалар.

Миллионлаб совет кишилари Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига хотира вахтасида меҳнат жасорати намуналарини кўрсатмоқдалар. Авлодларнинг бузилмас алоқаси, халқимизнинг анъаналари давомийлиги, халқ жасоратининг улуғворлиги ана шундадир.

Ҳозирги вақтда бизнинг улуғ ғолиб халқимиз, меҳнаткаш халқимиз ҳар биримиз учун қадрли бўлган Ғалаба кунини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлаш фикри билан яшамоқда.

**Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини ифодалаб, Советлар мамлакатининг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни байрам арафасида, 4 май куни Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказишга чақирадилар.**

Москвадаги «Монометр», «Динамо», Калинин номли машинасозлик заводи, «Буревестник» бирлашмаларининг, Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг, Биринчи давлат подшипник, Радиотехника, «Компрессор» заводларининг, Ильич номли локомотив депосининг, «Главмоспромстрой»га қарашли 20-«Мосстрой» трестининг «Главмоспромстрой материалы»га қарашли 9-ёғочни қайта ишлаш комбинатининг, пойтахтдаги бошқа бир қанча корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари **шу куни текин тўла иш сменасида ишлаб бериш, энг юксак унумдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бажариладиган ишнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш мажбуриятини олдилар.**

Ленинграддаги «Киров заводи», А. А. Жданов номли «Ижор заводи», Я. А. Калинин номидаги «Скороход», ССР Иттифоқи 60 йиллиги номидаги «Фосфорит» бирлашмалари, А. А. Жданов номидаги кемасозлик заводининг, Октябрь темир йўли, «Главленинградстрой»га қарашли 16-қурилиш трестининг, «Главзапстрой»га қарашли 35-«Ижовстрой» қурилиш трестининг, «Детскосельское» ва «Ручьи» совхозлари ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари **коммунистик шанбалик куни ишлаб топилган маблағни уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қурилишига, уларга медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, жанговар Шон-шуҳрат ёдгорлик жойларини ободонлаштиришга, Москва шаҳрида 1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқининг Ғалабаси шарафига ўрнатилаётган ёдгорлик қурилишига ажратишни таклиф қилмоқдалар.**

Шу куни волгоградликлар ҳар бир иш жойида энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун курашадилар. Ф. Э. Дзержинский номли завод тракторсозлари, пўлат-сим арқон ҳамда ўн бешинчи давлат подшипник заводларининг, Петров номидаги нефть машинасозлиги заводининг, А. Н. Косигин номидаги ип газлама комбинатининг ишчилари ҳам шанбалик куни учун ўзларига мажбуриятлар белгиладилар. Кемасозлар «Ульяна Громова» танкерини муддатидан олдин сувга туширишга аҳд қилдилар.

Ватанпарварлик почининг ташаббускор коллективлари шанбалик куни ўз иш жойларида — бевосита завод ва фабрикаларда, қурилишларда, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларида, транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида, далаларда ва чорвачилик фермаларида меҳнат қилишга даъват этмоқдалар.

Хўжалик раҳбарларининг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчи турдош корхоналар ва тармоқлар, халқ хўжалиги ҳамма бўлинмалари ва хизматларининг аҳиллик билан иш олиб боришларини таъминлашдан, ҳар бир коллектив, шанбаликнинг ҳар бир қатнашчиси учун тиғиз, конкрет топшириқларни белгилаб бериш ва юксак унум билан меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Почин ташаббускорлари асосан тежаб қолинган материаллар ва энергетика ресурслари ҳисобига ишлашга, одатдаги кунлардагига нисбатан кўпроқ, сифати яхшироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга чақирмоқдалар.

**Шанбалик**, дейилади мурожаатда, **1945 йил майида салютнинг Ғалаба залпи садоларини эшитиш насиб этмаганлар учун, қирқинчи тинч баҳорни кўрмаганлар учун, ўз ҳаётини ҳозирги ва келажак авлодлар эрки ва бахт-саодатига бағишлаганлар учун бизнинг ишчи ёдгорлигимиз бўлиб қолсин. Бу шанбалик меҳнат жўшқинлиги билан оталаримиз ва оналаримизнинг, акаларимиз ва опаларимизнинг ҳамма жойда ягона бир шиор — «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун!» шиори остида давом этган мислсиз вахтасига муносиб бўлсин!**

Ҳар биримиз партиянинг улуғ ишига дахлдорлигимизни, Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун масъулиятни чуқур англаб турибмиз, — ҳамма мурожаатларда ана шу фикр яққол кўзга ташланади. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида ишлаб чиқилган йўлни — ишда уюшқоқликни ошириш, барча куч ва резервларни дадил ва жўшқин социал-иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун, олға қараб ҳаракатимиз суръатларини тезлаштириш учун сафарбар этиш йўлини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Улар партия белгилаган режаларни муваффақиятли адо этиш учун ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтирмоқдалар.

# РАСМИЙ АХБОРОТ

## МЕМБРАНА ЖАРАЁНЛАРИНИ КЕНГРОҚ ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК

**СССР Министрлар Совети «Агросаноат комплекси, медицина саноати ва соғлиқни сақлаш тармоқларида мембрана жараёнларини кенг жорий этиш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, министрликлар билан идоралар энергетика ресурслари ва моддий ресурслар анча тежалишини таъминлайдиган юқори самарали мембрана жараёнларини халқ хўжалиги тармоқларига жорий этишга етарлича эътибор бермаяптилар. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат тармоқларидаги ишлаб чиқариш чиқитларидан озуқа оқсили олиш учун, деҳқончилик маҳсулотларини сақлаш чоғида нобудгарчиликни камайтириш учун, шунингдек юксак даражада соф дори-дармонлар ишлаб чиқариш ҳамда турли касалликларни даволаш учун мембрана жараёнлари кам қўлланилмоқда. СССР Министрлар Совети министрликлар ва идораларга 1986—1990 йиллар учун топшириқлар белгилади, бу топшириқларда мембрана жараёнларини қўлланиб маҳсулот ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик хом ашёсини асраш ва қайта ишлаш ҳажмларини анча кўпайтириш, шунингдек мембрана жараёнлари учун асбоб ускуналар, мембраналар, мембрана элементлари ва материаллари ишлаб чиқаришни ошириш кўзда тутилади. Министрликлар ва идораларга ушбу мақсадлар учун комплектловчи буюмлар, контрол-ўлчаш приборлари ва автомат бошқариш системаларини тайёрлаб, зарур миқдорда етказиб беришни таъминлаш таклиф қилинди.

Қарорда мембрана жараёнларини ишлаб чиқиш борасидаги илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ишларини янада ривожлантиришга ва шу жараёнларни агросаноат комплекси, медицина саноати ва соғлиқни сақлаш тармоқларида жорий этишга қаратилган бир қанча ташкилий тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади.

## БЕРКАКИТ—ТОММОТ—ЯКУТСК ТЕМИРЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

**Якутия АССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш ҳамда шу райондаги юклар ва пассажирларни ташиш ортиб бораётганлигини таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда 1985—1995 йилларда Транссибирь ва Байкал-Амур темирйўл магистралларини Якутск шаҳри билан боғловчи темирйўл линияси қурилиши кўзда тутилади.**

830 километр узунликдаги Беркакит — Томмот — Якутск темирйўл линиясини 1991 йилда Беркакит — Томмот участкасини муваққат фойдаланишга топшириш билан босқичма-босқич қуриш мўлжалланмоқда. Темирйўл линияси қурилиши билан бир вақтда электр линиялари ҳам барпо этилади, регионда энергетика системаси ривожлантирилиши таъминланади, дарё портлари ва юк ортиш, тушириш қурилмалари бунёд этилади, маҳсулот етказиб берувчи корхоналар қурилади.

Беркакит — Томмот — Якутск темирйўл линияси Якутия АССР территориясини тезроқ ўзлаштириш имконини беради, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишга, мавжуд минерал хом ашё ресурслари негизида республиканинг кончилик саноатини ривожлантиришга кўмаклашади.

СССР Министрлар Совети Беркакит — Томмот — Якутск темирйўл линияси қурилишини Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилган ВЛКСМ Марказий Комитетининг ташаббусини маъқуллади.

## ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ВА УНИНГ БАЗАВИЙ КОРХОНАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМЛАР

**КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини ижро этиш юзасидан СССР Министрлар Совети ўрта ҳунар-техника билим юрти тўғрисидаги Низом билан ўрта ҳунар-техника билим юртининг базавий корхонаси (бирлашмаси, ташкилоти) ҳақидаги Низомни тасдиқлади.**

I. Ўрта ҳунар-техника билим юрти тўғрисидаги Низомга мувофиқ бундай билим юрти малакали ишчи кадрларни планли тайёрлашнинг, шунингдек уларни халқ хўжалигининг тегишли тармоқлари учун қайта тайёрлашнинг асосий формасидир. Жумладан ёшларга ҳунар таълими ва умумий ўрта таълим бериш, халқ хўжалиги учун ҳар томонлама баркамол, техникавий маълумотга, профессионал маҳоратга, ишлаб чиқариш асосларига оид чуқур билимга эга бўлган, фан-техника тараққиёти талабларига мос келадиган малакали ишчиларни тайёрлаш унинг зиммасига юклатилган.

Қарорда ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ҳуқуқий мавқеи, ўқувчиларнинг, раҳбарлар ва педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш масалалари акс эттирилган, ўқувчиларга таълим бериш ҳамда уларни коммунистик руҳда тарбиялашда ишлаб чиқариш таълими мастерларининг, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг ҳал қилувчи роли таъкидланган.

Ўрта ҳунар-техника билим юртидаги таълим-тарбия жараёни таълимни унумли меҳнат билан қўшиб олиб боришдан иборат ленинча принцип асосида амалга оширилади ва ўқувчиларга таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг умумий таълим мактаби билан қатъиян давомийлигини таъминлайди. Билим юртидаги умумий таълим тайёргарлиги даражаси мамлакатимизда белгиланган умумий ўрта таълимнинг ягона даражасига мос келиши керак.

II. Ўрта ҳунар-техника билим юртининг базавий корхонаси (бирлашмаси, ташкилоти) тўғрисидаги Низомда унинг ўрта ҳунар-техника билим юрти таълим-моддий базасини яратиш ва ривожлантириш, ёшларни касбга йўналтириш ҳамда ҳунар-техника билим юртларини ўқувчилар билан тўлдириш, билим юртида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уни инженер-педагог кадрлар билан таъминлаш, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари билан ходимларининг турмуши ва дам олишини ташкил этиш соҳасидаги ишларда қатнашиш борасидаги вазифалари белгилаб берилган.

Базавий корхона иқтисодий ва социал ривожланиш планлари билан коллектив шартномаларга моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўрта ҳунар-техника билим юртининг бинолари ва машина-ускуналарини ремонт қилиш, ўқувчилар учун спорт-соғломлаштириш лагерлари ҳамда меҳнат ва дам олиш лагерларини қуриш, уларда техникавий ва бадиий ижодиётга иштиёқни ривожлантириш соҳасидаги тадбирларни белгиланган тартибда кўзда тутиши лозим.

СССР Министрлар Совети, СССР министрликлари ва идораларининг ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг зиммасига ўрта ҳунар-техника билим юртларида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ва малакали ишчи кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда базавий корхоналарнинг актив иштирок этишини таъминлаш мажбуриятини юклади.

(ТАСС).

# СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

**1941—1945 ЙИЛЛАР УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҒАЛАБАСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ЮЗАСИДАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА**

1985 йил 23 апрелда 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан 1 сўмлик юбилей тангаси муомалага чиқарилади.

1 сўмлик юбилей тангаси оқ рангли мис, никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Танганинг сиртқи ва орқа томонлари кўнграси қабариқ бўлади.

Танганинг сиртқи томонига СССР Давлат герби жойлаштирилган ва «СССР», «1 рубль» ва «1985» ёзувлари туширилган.

Танганинг орқа томонида Ватан уруши ордени ва дафна шоҳининг бўрттирилган тасвири нурлар фонида жойлаштирилган, қуйи қисмига «1945—1985» саналари ёзилган.

Танганинг гирдига «один рубль» сўзлари икки марта ўйиб ёзилиб, улар икки нуқта билан ажратиб қўйилган.

1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан муомалага чиқариладиган юбилей тангаси ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек банклар, омонат кассалари ва Алоқа министрлигининг корхоналари томонидан жорий, ҳисоб-китоб счётларига ёзиш, омонатларга, аккредитивларга ўтказиш ва бошқа жойларга юбориш учун ҳеч бир чекловсиз қабул қилиш учун мажбурийдир.

(ТАСС).




Суратларда: танганинг сиртқи ва орқа томонлари кўриниши.

# ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕМИНАРИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 22 апрель куни Тошкентда очилган иккинчи регионлараро маслаҳат-семинарининг мавзуи медицина кадрларини бошқариш системасини такомиллаштиришга бағишланди.

Маслаҳат-семинар қатнашчилари — 12 мамлакатдан келган мутахассислар, шунингдек Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Жануби-Шарқий Осиё регионал бюроси ва Европа регионал бюросининг ходимлари медицина кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг актуал проблемаларини муҳокама қилмоқдалар ҳамда ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Маслаҳат-семинар очилишида СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Ю. Ф. Исаков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

## ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ЖЕНЕВА. 22 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда ядро ва космик қуролларга бағишланган Совет — Америка музокаралари доирасида космик қуроллар группасининг мажлиси бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми илм-фан соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганлиги учун Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиали директорининг ўринбосари ўртоқ Эртош Шокирович **Шоҳмедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Институт Ўрта Осиё филиали ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# «ҲОСИЛ ВА МЕЛИОРАЦИЯ»

**Газетанинг шу йил 10 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Сирдарё область Комсомол районида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетаётгани ва мутасадди министрликлар бу ишга етарли эътибор бермаётганлиги танқид қилинган эди.**

**Мақола юзасидан редакция қуйидаги жавобларни олди.**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ:** — Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Министрлик ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида область қишлоқ хўжалик бошқармаси билан биргаликда 1985 йилда 339 минг сўмлик пудрат ишларини бажаради.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасига капитал қурилиш маблағи ҳисобидан сув йўллари, лоток тармоқлари системаси реконструкцияси учун 120 минг сўм пул ажратилди.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ:** — Мақола министрликка қарашли Сирдарё область сув хўжалиги ташкилотларида муҳокама этилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, «Советобод» совхозида янги ўзлаштириладиган 286 гектар ва эскидан экиб келинаётган 200 гектар ерда горизонтал дренаж ва ёпиқ дренажларни бунёд этиш, борларини ремонт қилиш область сув хўжалиги бошқармаси зиммасига юклатилди. Комсомол райони хўжаликлари учун дренажлар тармоғини яхшилашга 339 минг сўм, «Советобод» совхозига эса 55 минг сўм ажратилди. Шу йил район бўйича минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Редакция юқоридаги мақола юзасидан **«Голодностепстрой» территориал бирлашмасидан** ҳам йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилаётгани ва бошқа кўпгина амалий тадбирлар белгиланганини ҳақида жавоб хати олди.

**РЕДАКЦИЯДАН:**

**Афсуски, айрим партия, совет, хўжалик ва қурилиш ташкилотлари газетада босилган фельетон, ажаб савдолар, проблематик, рейд ва бошқа танқидий мақолаларга жавоб бериш муддатини чўзиб юбормоқдалар. Масалан, «Узбекхлеб» бирлашмаси («Нон исроф бўлмасин», 4 январь), «Главсредазирсовхозстрой» («Ҳосил ва мелиорация», 10 январь), Қашқадарё область партия комитети («Ўз-ўзига қарсак», 10 февраль), Хоразм область ижроия комитети («Эгасиз уй», 20 февраль), Сирдарё область партия комитети («Ўтюраклар ибрати», 27 февраль), Жиззах область партия комитети («Жиззах чўли — мардлар майдони», 27 февраль) газета материалларига ҳанузгача жавоб йўллаганлари йўқ.**

